



MILLIY TIKLANISH

51 (423)

2016 йил 19 ноябрь, шанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари

Фракция фаолияти

Ахборот ва сўз эркинлиги

соҳасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, миллий ахборот маконини ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ахборот соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида" ҳамда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари воситасида соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Мазкур қонун ҳужжатларида ахборот эркинлигининг асосий принциплари, очиқлик ва ошқоралик, ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги, ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқини давлат ҳимоя қилиши белгиланган. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбур эканлиги мустаҳкамланган.

> 3-бет.

Юзма-юз



Миллий қадриятлар ҳамisha бардавом

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов шу йилнинг 16 ноябрь куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари сайловчилари билан видеоконференция тарзида ташкил этилган учрашувда жамоатчилик вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, маҳалла фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Учрашувни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Сайфулла Турсунов очди. Президентликка номзоднинг Сурхондарё вилоятидаги ишончли вакили, партия вилоят кенгаши раиси Баҳодир Худойкулов сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловолди Дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси ҳисобланган Сурхондарё вилоятида ҳам улкан ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди, — деди номзод. — Шаҳар ва қишлоқлар тобора замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бораётир. Собiq тузум даврида фақат хомашё базаси

сифатида қаралган ҳудуд бугун саноатнинг бир неча тури жадал ривожланаётган вилоятга айланди.

Бунинг исботини турли соҳаларда эришилаётган улкан ютуқ ва марралар мисолида яққол кўриш мумкин. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,4 фоизга ошди. Иқтисодий модернизация ва диверсификация қилинаётгани туфайли саноат тармоқлари кенгайиб, туманларда янги замонавий корхоналар ишга туширилмоқда. Шаҳару қишлоқларда янги уй-жойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объеклари бунёд этилмоқда.

Дастурда белгиланган мақсад-вазифалар мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутади. Вилоятда барча соҳада эришилган натижаларни янги босқичга кўтариш, халқаро микёсда эътироф этилиб, бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида ислохотлар бардавомлигини таъминлаш, бошланган улғувор ишларга жўшқин суръат бахш этиш лозим. Бу борада мустақиллик йилларида тўпланган бой тажриба, улкан тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадрият ва аъёналарга таяниш, жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ва маънавий юксалишга эришиш зарур.

> 2-бет.

Сайлов — 2016

Пухта тайёргарлик — самарадорлик омили

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Ушбу муҳим сиёсий тадбирни очиқлик, ошқоралик, адолатчилик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказиш борасида қатор чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Сайлов кампаниясини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида 98 мингдан ортиқ юрдошимиз сайлов округи ва участкалари тизимида фаол иштирок этмоқда. Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг аккредитациядан ўтказилган 1200 нафардан зиёд вакил сайлов жараёнларини босқичма-босқич ёритишда фаоллик кўрсатмоқда.

2016 йил 17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган Марказий сайлов комиссияси мажлисида шу ҳақда маълум қилинди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлис комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

> 3-бет.

Ўқув-семинар

Партия кузатувчилари

ўз ваколат ва мажбуриятлари хусусида кенг маълумотга эга бўлди

Сайловда сиёсий партия кузатувчисининг иштироки, унинг ҳуқуқий мақоми, ваколати доирасидаги вазифаларни қонунадан оғинмаган ҳолда бажариши сайловнинг адолатли, очиқ ва ошқора ўтишини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис айни пайтда 9 мингдан зиёд партия кузатувчилари таркиби шакллантирилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши сайлов штаби ташаббуси билан партия кузатувчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, вазифа ва ваколатларини самарали амалга оширишига ёрдам бериш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди.

Барча вилоят, туман ва шаҳардаги партия кузатувчилари билан онлайн аудио-конференция тарзида ташкил этилган семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси вакиллари, партия фаоллари ва журналистлар иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, сайлов штаби гуруҳ раҳбари Феруза Муҳаммаджонова сайлов жараёнида кузатувчилар иштироки муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Амалдаги қонунчиликка биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партия кузатувчилари ҳам сайлов жараёнини кузатиб боришга ҳақли. Улар сайловнинг умумийлик, тенглик, адолатчилик, эркинлик, ошқоралик ва овоз беришнинг яширинлиги каби демократик тамойилларга риоя этилиш жараёнини кузатиб боради. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси кузатувчиларни танлаш, уларни керакли меъерий-ҳуқуқий қўлланмалар билан таъминлаш, партия кузатувчиларининг сайлов қонунчилигида назарда тутилган ваколат ва мажбуриятлари борасида тушунчалар бериш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу семинарда айни шу мақсад назарда тутилган.

Марказий сайлов комиссияси вакили Файрат Машқуров семинар иш-

тирокчиларига кузатувчилар зиммасидаги вазифалар қўламини, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва мажбуриятлари ҳақида атрофлича маълумот берди.

Таъкидланганидек, миллий сайлов қонунчилигимизга биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирда, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга. Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 7 октябрдаги қарорига асосан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қатнашувчи сиёсий партияларнинг кузатувчилари тўғрисида" Низом тасдиқланган. Унга мувофиқ, кузатувчининг асосий мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда партия манфаатларини қўлаб, сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат. Мамлакатимизда сиёсий партиянинг аъзоси, унинг тарафдори ёхуд мазкур сиёсий партияга хайрихоҳ бўлган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси ушбу сиёсий партиядан кузатувчи сифатида иштирок этишга ҳақли.

> 3-бет.



Райҳон УЛЕСЕНОВА, актриса, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳибаси:

— Навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қалби ва онгида юртга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис, партия сафида билимли, изланувчан, янгича фикрлайдиган, фаол ёшлар кўпаймоқда.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Юзма-юз

< Давами.
Бошланиши 1-бетда.

Номзод дастурда "Миллий тикланиш, авваломбор, миллий ўзликни англаш демократия", "Миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси — бош вази-фамиз", "Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт — қудратли бўлур", "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ", "Баркамол авлод — миллат таянчи" тамойиллари асосида маънавий-маърифий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, ижтимоий, ахборот ва ташқи сиёсат йўналишларида бир қатор вазифалар белгиланганини таъкидлади.

Дастурда маданий мерос объектларини ҳимоя қилиш масаласига кенг ўрин берилган. Сурхондарё вилоятида ҳам тарихий обидалар ва муқаддас қадимжолар кўп. Худудда 26 тарихий обиди, 27 зиёратгоҳ, 293 археологик объект, 39 монументал санъат ёдгорлиги мавжуд. Бу Сурхондарё туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Туризм иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутди. Хусусан, қўшимча иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлигини таъминлашга, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлари, инфратузилмнинг ривожланишига хизмат қилади.

Биз доимо миллий ўзликни англаш, миллий гуруҳ ва қадр-қиммат туйғусини мус-

тин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, иш ўринларини кенгайтиришга қаратилган мақсадларни амалга ошириш доимий эътиборда бўлишини таъкидлади.

Дастурда маданий мерос объектларини ҳимоя қилиш масаласига кенг ўрин берилган. Сурхондарё вилоятида ҳам тарихий обидалар ва муқаддас қадимжолар кўп. Худудда 26 тарихий обиди, 27 зиёратгоҳ, 293 археологик объект, 39 монументал санъат ёдгорлиги мавжуд. Бу Сурхондарё туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Туризм иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутди. Хусусан, қўшимча иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлигини таъминлашга, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлари, инфратузилмнинг ривожланишига хизмат қилади.

Учрашувда Дастурда илгари сурилган аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлаш, мамлакатимиз пойтахти ва худудларни, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантиришга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда худудлар бўйича айрим номутаносибликларга барҳам бериш каби мақсадлар вилоятнинг турли чекка, тоғли худудларида жойлашган туманлар ва қишлоқлар аҳолиси учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Учрашувда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси бўлим бошлиғи Акмал Маҳмадалиев, Денов туманидаги 67-санаторий мақтаб-интернати директори, халқ депутатлари, туман

Кенгаши депутати Раёно Саломова, вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири Ситора Сиддиқова, Термиз давлат университети талабаси, бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони Фазлиддин Қосимов ва бошқалар номзоднинг Дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақирди.

Акмал МАҲМАДАЛИЕВ,
вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси бўлим бошлиғи:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови эртанги кунимиз, келажагимиз билан боғлиқ бўлган муҳим сиёсий тадбир сифатида ҳар бир юртоқшимизнинг диққат марказида турибди. Бугун вилоятимиз сайловчилари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан номзод Сарвар Отамуратов билан юзма-юз мулоқотда унинг сайловолди Дастурида илгари сурилган қатор йўналишлардаги мақсад-вазифалар Сурхон воҳаси ҳамда худуд аҳолиси учун долзарб аҳамиятга эга эканлигини билдирди. Хусусан, мамлакатимизнинг чегара худуди бўлган Сурхондарё вилоятининг тинч, осуда ҳаётини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳар томонлама хавфсизлиги ва хотиржамлигини сақлаш ниятда долзарб ҳисобланади. Бу борада Дастурда ташқи сиёсат соҳасида белгиланган бошқа давлатлар томонидан уюштирилган ахборот ҳужжатлари қарши курашининг самарадорлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг айрим ше-риклар ва мамлакатлар гуруҳига боғлиқлигини камайтириш мақсадида иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа хилдаги алоқаларни кенг қўламда диверсификация қилиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларнинг хорижий давлатларда ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби мақсад-вазифаларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, Дастурда маҳалланинг фуқаролар, ўғил-қизлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштириш масаласи ўз ифодасини топгани худудларда маҳаллаларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини изчил давом эттириш имконини беради.

МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 18 ноябрь кунини Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашув вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари сайловчилари билан видеоконференция тарзида ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Учрашувни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Абдуҷаббор Сайдуллаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши девони раҳбари Шўҳрат Насимов йўналганларни номзоднинг таржimai ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод ўз сайловолди Дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Мамлакатимизнинг жадал ривожланиб, халқимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганини шаҳаро қишлоқларимиздаги ободлик мисолида ҳам яққол кўриш мумкин, — деди Сарвар Отамуратов. — Тошкент вилояти деганда, энг аввало, ўзининг меҳнаткаш ва бағрикенг халқи туфайли юксак марраларни забт этаётган, катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, улкан табиий ресурсларга эга бўлган худуд кўз олдимизга келади. Сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар туфайли салмоқли натижалар қўлга киритилди.

Дарҳақиқат, Тошкент вилояти мамлакатимизнинг саноати энг тараққий этган, қишлоқ хўжалиги ривожланган худудларидан саналади. Бу ерда Олмалик тоғ металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати, "Максам чирчик", "Аммофос максам", "Оҳангарон цемент", "Бекобод цемент", "Ўзбеккўмир", "Оҳангарон шифер", "Ангрэн шақари", "Ангрэн қувур" сингари корхоналар мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида фаолият олиб бормоқда. Вилоятда сўнгги 5 йилда ялпи худудий маҳсулот ҳажми қарийб 2 баробарга ортди. Бунда асосий омил бўлаётган саноат ишлаб чиқариш ҳажми эса қарийб 2,6 баробар ўсди. Бу заминда жойлашган дунёга машҳур "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган ноёб замонавий корхона, Янги Ангрэн ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари республикамиз иқтисодиётининг локомотивлари ҳисобланади. Бу корхоналар нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида кўзга кўринган ишлаб чиқариш мажмуаларидир.

Номзоднинг сайловолди Дастурида логистика инфратузилмасининг сустр ривожланганлигидан келиб чиқиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва ташқи бозорда маҳсулотларимизнинг таннархини тушириш имконини берувчи транспорт-экс-

Учрашувда сайловолди Дастурдан ўрин олган хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёзи ва преференциялари, имтиёзли суб-

сидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш, ички хусусий инвестицияларни миллий иқтисодиётга йўналтиришни янада кенгайтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Бу борада вилоятда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам муҳим ўрин тутди. Айни пайтда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 16 корхонанинг 64 лойиҳаси доирасида жами 91 миллиард сўмдан зиёд импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Аввалги йилларда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарга қатор имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида тежаб қолинган маблағлар корхоналарни техник қайта жиҳозлашга, уларнинг айланма маблағлари орттишига замин яратди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига ҳам ўз дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда вилоят ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилган муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, партия Марказий кенгаши ва ЎзМТДП фракцияси Ангрэн шаҳрида "Миллий иқтисодиётимиз ривожига маҳаллий ишлаб чиқаришнинг аҳамияти" мавзусида амалий семинар ташкил этиб, унда Ангрэн маҳсул индустриал зонаси салоҳиятини унумли фойдаланиш, ишбилармонлик муҳитини яратиш, янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда металлургия, қурилиш материаллари, электротехника, кимё саноати ва кенг турдаги ноэтиқ-овқат халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи энгил саноат корхоналарини ривожлантириш масалалари атрофида муҳокама этилган фикримиз тасдиқдир.

Дастурда иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, аҳолининг овқатланиш рақибларини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш каби устувор вазифалар илгари сурилган.

Катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти, улкан табиий ресурсларга эга худуд сифатида мамлакатимиз ҳаётида етакчи бўлиб келаётган Тошкент вилояти мамлака-



кага эга инженер-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежментлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан кучайтириш ва мазкур соҳалардаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътиборга олинган. Таъкидлаш жоиз, Қўнраб туманида жойлашган Тошкент давлат аграр университетини ва Навоий тоғ металлургия институтининг Олмалик шаҳридаги филиалида замонавий билимларга эга етуқ мутахассислар тайёрланмоқда. Номзод Дастурда илгари сурилган юқоридаги мақсад-вазифалар вилоятдаги ушбу таълим масканлари фаолиятини кучайтириш, уларда таҳсил олаётган ёшларнинг малакали кадр сифатида майдонга чиқишига хизмат қилади.

Учрашувда сайловолди Дастурдан ўрин олган "Дунёда ҳеч бир нарса мамлакатни, миллатни спортчилик дунёга тез танитмайди, машҳур қила олмайди" тамойили асосида спортнинг барча турлари, айниқса, Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган ҳамда миллий турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш етакчи вазифалардан этиб белгиланган сайловчиларга манзур бўлди. Бу бежиз эмас. Негаки, Тошкент вилоятида ҳам истиқлол йилларида спорт соҳасига қаратилган алоҳида эътибор туфайли истеъдодли спортчиларнинг янги авлоди етиштирилди. Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпиони Ваҳид Меньков, тазквондо бўйича Осиё ўйинлари ғолиблари Умида Абдуллаева ва Жасур Бойқўзиёв, эркин кураш бўйича Осиё ўйинлари ғолиби Рашид Курбанов, Рио-2016, Олимпиадаси олтин медали соҳиби Фазлиддин Ғоибназаров, бронза медали соҳиби Элмурод Тасмуродов, Рио-2016 Паралимпия ўйинлари олтин медали соҳиби Адил Тулендибоев халқимизнинг фахру ифтихори ҳисобланади.

Учрашувда номзоднинг сайловолди Дастуридан ўрин олган маънавий, ижтимоий, иқтисодиёт, ташқи сиёсат йўналишларида белгиланган мақсад-вазифалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Нажимиддин Жўрабоев, "Хунарманд" уюшмаси Олмалик шаҳар бўлими раиси Матлуба Улмасова, ЎзМТДП Чиноз тумани кенгаши раиси Шаҳбоз Низомиддинов ва бошқалар номзоднинг Дастури юзасидан сўзга чиқди. Сайловчиларни шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақирди.

Насиба ҚОРАБОЕВА,
"Қизил ярим ой" жамиятининг вилоят бўлими раҳбари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтириш, оилаларга соғлом маънавий муҳит ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Бунинг замирида, аввало, миллат генофондини яхшилаш, аҳоли тиббий маданияти ва турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларининг олдини олиш орқали соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мўжассам.

Номзоднинг сайловолди Дастурида ҳам бу борада кўзда тутилган мақсад-вазифалар мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Хусусан, болалар, аёллар, шунингдек, оғир касалликлар, шу жумладан, одам иммунитетини танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиқлардан азият кечувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш, улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш вазифаси бугуннинг долзарб масалаларидандир. Бу, ўз навбатида, бизнинг фаолияти-вазифаларнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Баҳром НОРМУРДОВ,
Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари



педиторлик компанияларига солиқ имтиёзлари ва преференцияларни бериш, йирик юк ташувчи автомобилларни лизингга бериш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган Дастури қабул қилиш ва амалга ошириш асосий вазифалардан этиб белгиланган. Айтиш жоиз, вилоят бу борада катта салоҳиятга эга. Мустақилликнинг ilk йилларида вилоятда атиги ўн корхона четга маҳсулот чиқарган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 250дан ортди. Қатор янги корхоналарнинг ишга туширилиши вилоят экспорт салоҳиятини ошириш билан бирга, экспорт таркибида хомашё улуши камайиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми орттиришга хизмат қилмоқда. Охириги уч йилда 175 корхона илк марта экспорт фаолиятини амалга оширган бўлса, экспорт таркиби 40 дан ортиқ янги турдаги саноат маҳсулотлари ҳисобига кенгайди.

озиқ-овқат билан таъминлашда, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлашда беқимё аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Вилоятда сўнгги уч йилда 4 минг 500 гектар майдонда интенсив боғлар барпо этилди, деҳқончиликка янги техника ва технологиялар, серҳосил экин навлари изчил жорий этилмоқда. Учрашувда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичга кўтариш, пахта майдонлари ҳажмини камайтириш ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, қайта ишлаш соҳасидаги мавжуд резервларни ишга солиш бу борадаги ишлар самарадорлигида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Дастурда миллий иқтисодиёт ривожини етуқ мутахассис-кадрларга боғлиқ эканлигини англаган ҳолда замонавий билим ва мала-

Ривожланган миллий ахборот мақоми — мустақам тараққиёт пойдевори

Фракция фаолияти

Ахборот ва сўз эркинлиги

соҳасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди

< Давами. Бошланиши 1-бетда.

— Мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, хусусан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш баробарида эришилган натижалар халқаро таъминотларнинг турли рейтингларида ҳам ўз ифодасини топмоқда, — деди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Тўхтабоев**. — Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2016 йилда эълон қилган “Электрон

Бу жиҳатлар шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида иштирок этаётган партиямиз номзоди Сарвар Отамуратовнинг сайловолди Дастурида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, партия номзоди миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид қатор мақсад-вазифаларни илгари сурмоқда. Аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ёшларнинг камоло-

ларда Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурининг амалга оширилишини таҳлил қилиш, унга киритилган лойиҳалар ижросининг самарадорлигини ошириш, парламент назоратини кучайтириш имконини берди.

Йиғилишда партия дастурий мақсад-вазифаларини келиб чиқиб, ахборот соҳасидаги миллий қонунчиликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тўғрисида”ги, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларини такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар билдирилди. Шунингдек, электрон давлат хизматларини кўрсатиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишлари бўйича муҳожиратларни кўриб чиқиш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилиш сўнггида билдирилган фикр-мулоҳазалар, тақлиф-тавсиялар асосида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мархабо ҒАФУРОВА, **ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Партиямиз замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни жорий этиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида идоралараро ва идора мажмуаларининг ахборот тизимларини бирлаштирувчи миллий ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга кўмаклашиш тарафдори. Шу боис фракциямиз ўз фаолияти давомида ушбу дастурий вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бугунги йиғилишимизда ҳам ахборот соҳасидаги миллий қонунчилик ҳамда давлат дастурларининг ижроси таҳлил қилинди, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш юзасидан партия ва фракциямиз фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Мухтарама КОМИЛОВА, **“Milliy tiklanish” мухбири**

Сайлов — 2016

< Давами. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. 3-Бухоро, 6-Наман-

ган, 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиялари раисларининг бу борадаги ахбороти эшитилди.

Мажлисда таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқсак даражада ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимининг янада ошириш ва уларнинг комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларини мустақамлашга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Бу йўналишдаги ишларнинг давоми сифатида шу йилнинг 20-30 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида сайлов участкаларини овоз беришга тайёрлаш, сайловчилар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш, муддатидан олдин ва сайлов кунини овоз беришни ўтказиш, шунингдек, сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш каби долзарб масалаларга бағишланган семинарларни ташкил

этиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда комиссия аъзолари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сайловчиларнинг овоз бериши билан боғлиқ айрим қоидаларини бир хилда қўллашга тааллуқли масалаларни ҳам кўриб чиқди. Таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 31-32-моддаларида овоз бериш тартиби ва уни ўтказиш қоидалари белгиланган. Ушбу тартиб-қоидалар, шу жумладан, муддатдан олдин овоз бериш ҳуқуқи, уни амалга ошириш тартиблари тушунтирилди.

Мажлисда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижroiya кўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Ислам ҳамкорлик ташкилоти миссиялари кузатувчиларини аккредитациядан

ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қайд этилганидек, сайлов кампанияси очиқлик ва ошқоралик шариатида ўтказилмоқда. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов участкаларида сайлов кунини овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлирига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мухтарама РАМАЗОНОВА, **“Milliy tiklanish” мухбири**

Пухта тайёргарлик — самарадорлик омили

ўз ваколат ва мажбуриятлари хусусида кенг маълумотга эга бўлди

Ўқув-семинар

Партия кузатувчилари

< Давами. Бошланиши 1-бетда.

Сиёсий партия кузатувчиси қонунда белгиланган тартиб-қоидага риоя этиши, ўзига юклатилган ваколатдан одоб-ахлоқ доирасида фойдаланиши ва сайлов жараёнига ҳалақат қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этмаслиги лозим.

Очиқ мулоқот тарзида олиб борилган семинарда ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларидан тайинланган 9 мингдан ортиқ ЎзМТДП кузатувчилари иштирок этди. Кузатувчиларнинг сайлов жараёнига тааллуқли муҳожиратларига малакали мутахассислар томонидан атрофлича тушунча берилди. Жумладан, семинарда ЎзМТДПнинг Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри 1-сайлов участкасидаги кузатувчиси Музаффар Тулиев сайлов жараёнида бошқа партия бириктирган кузатувчи сайлов қонунчилигига хилоф вазиятга гувоҳ бўлиб, ушбу вазият юзасидан далолатнома тузган тақдирда, партиямиз кузатувчиси қандай йўл тутishi лозим, деган мазмунда савол берди.

Кўпчиликнинг эътиборини тортган бу саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жуманазар Отажонов жавоб бериб, бундай вазиятда ўша жараёни партиямиз кузатувчиси ҳам қонунга хилоф деб топса, бошқа партия кузатувчиси тузган далолатнома имзо қўйиши ёки алоҳида далолатнома тузиши мумкинлигини қайд этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 76-сайлов участкасидаги ЎзМТДП кузатувчиси Сарбиназ Турсунова “агар кузатувчи сайлов кунини бетоблиги туйғайли овоз бериш жараёнида иштирок эта олмас, қандай йўл тутилади?”, деган савол билан муҳожират қилди.

— Бундай ҳолда участка сайлов комиссияси раиси унинг ўрнига бошқа кузатув-

чини тайинлаш учун округ сайлов комиссиясига муҳожират қилади, — деди Марказий сайлов комиссияси мутахассиси Ғайрат Машкуров. — Округ сайлов комиссияси қисқа вақт ичида бошқа кузатувчи учун керакли ҳужжатларни тайёрлаб, унга мандат беради. Мандат олган кузатувчи эса ўз фаолиятини хеч қандай монеликсиз амалга ошириши мумкин.

Андижон вилояти Жалакудук туманидан ЎзМТДП кузатувчиси Мадина Тожибоевнинг саволи ва унга берилган жавоб ҳам семинар иштирокчилари эътиборини тортди. Маълумки, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг — бемор, қария ва ногиронларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қўлай шарт-шароит яратилмоқда. Ҳусусан, кекса ва имконияти чекланган фуқаролар учун махсус кўчма сайлов қутиси тайёрланган. Агар сайлов участкасида бир вақтнинг ўзидикикки жараёни кузатиш зарурати пайдо бўлганда, сайловнинг очиқ-ошқора ва адолатли ўтишини бевосита кузатиб борадиган сиёсий партия кузатувчиси бундай ҳолатда ўзи эркин қарор қабул қилиши мумкин. Қолаверса, одатта кўра, сайловчиларнинг асосий қисми куннинг биринчи ярмида овоз бериш жараёнида иштирок этади. Шу боис куннинг иккинчи ярмида участка сайлов комиссиясидан белгиланган вакиллар кўчма сайлов қутиси билан жойларга чиқади. Бу жараёнда кузатувчи ўзи хоҳласа иштирок этиши мумкин. Аммо икки жараён бир пайтга тўри келган ва-

заятда эса кам сонли овоз беришни кузатгандан кўра, асосий жойда бўлган маълумот, ёки кузатувчи бошқа партия кузатувчиси билан келишган ҳолда бири асосий жойда қолиб, иккинчиси жойларга чиқиши мумкин.

Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидан ЎзМТДП кузатувчиси Руқия Исмоилова “Сайлов жараёнида кузатувчи фото ёки видео лавҳага олишга ҳақлими?”, деган саволи ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бундай ҳолатда Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида

катнашувчи сиёсий партияларнинг кузатувчилари тўғрисида”ги Низомга асосан кузатувчи амалга ошириш пайтида фото ёки видео қайд этиш воситаларидан фойдаланиш мумкинлиги мутахассислар томонидан қайд этилди.

Мухтасар айтганда, семинарда иштирок этган партия кузатувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди. Яъни ваколат доирасида қандай ишларни амалга ошириши мумкинлиги борасида атрофлича маълумотга эга бўлдилар, бу борадаги ҳуқуқий билимларини янада оширди. Бу эса сайлов жараёнини халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик талабларга мос ташкил этиш билан бирга, ЎзМТДП кузатувчиларининг жамоатчилик назоратини юқори савияда амалга оширишини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Усмон АБДУРАСУЛОВ, **“Milliy tiklanish” мухбири**



ҳуқуқат”нинг ривожланиш индексини Ўзбекистон аввалги — 2014 йилдаги ўриндан 20 погонга кўтарилиб, 80-ўринни эгаллаган. Мамлакатимиз “электрон ҳуқуқат” юқори даражада ривожланаётган давлатлар қаторига кирганиги, электрон иштирок бўйича дунё мамлакатлари ичида 47-ўринни эгаллагани ахборот соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар натижасидир. Албатта, бу ютуқларни эътироф этиш баробарида ахборот соҳасидаги ислоҳотлар давомийлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформасида ахборот соҳасида қатор вазифалар белгиланган бўлиб, партия миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни ўз фаолиятининг устувор вазифаларидан деб билди.

Йиғилишда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган миллий ахборот мақоми янада ривожлантириш, миллий ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратишга кўмаклашиш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда партия ҳамда фракция фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Зеро, партия сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, миллий ахборот мақоми ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови кунини

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самарасида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўйбоқ чиқарилишини таъминлайдиган демократик стандартларга мос бўлган сайлов тизимини яратилди.

Сайлов демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, жамият ва давлат бошқарувида, давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокчи бўлиш шаклидир. Фуқаролар сайлов воситасида давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширади. Ушбу жараёнда сиёсий партиялар билан бирга оммавий ахборот воситалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари иштироки ҳам муҳим ўрин тутади.

Бугун мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда, сайлов ва бошқа ижтимоий-сиё-

Фуқаролик жамияти институтлари

сайлов жараёнида фаол иштирок этмоқда

сий жараёнларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, қасба уюшмалари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда фондлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг роли ортиб бормоқда. Бу жиҳат муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик жараёнида ҳам ўз аксини топмоқда. Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат но-тижорат ташкилотлари округ ҳамда участка сайлов комиссиялари таркибиде фаол иштирок этмоқдалар.

Шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округи ҳудудида ташкил этилган 734 участка сайлов комиссияси таркиби таҳлил этилганда, уларнинг деярли барчасида фуқаролар йиғинлари вакиллари фаолият олиб бораётгани маълум бўлди. Яъни, 6 минг 849 нафар комиссия аъзоларининг 1 минг 532 нафари ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари бўлиб, улар участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари, котиби ва аъзо-си сифатида иштирок этмоқда. Бу эса вило-

ятдаги фуқаролар йиғини тизимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг 50,8 фоизини, участка сайлов комиссияларига жалб этилган умумий аъзоларнинг 22,3 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга, участка сайлов комиссиялари таркибининг 12 фоизи нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари бўлиб, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи бўйича билимларини ошириш, сайловчилар рўйхатини тузиш, сиёсий партиялар, Президентликка номзодлар ҳамда уларнинг ишончли вакилларига сайловолди ташвиқотини олиб боришларида бир хил шариқат яратиб бериш, сайлов ўтказиладиган қун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилиш каби бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширишда ҳам участка сайлов комиссияларига яқиндан кўмак бермоқда.

Сайлов жараёнида оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутади. Улар демократик жараёнларнинг субъекти ҳисобланиб, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш даврида муҳим роль ўйнайди. Яъни, сайловчиларни хабардор қилиш, сайловолди ташвиқоти воситаси ва жамоатчилик на-

зоратининг муҳим шакли бўлиб хизмат қилади. Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирда, жумладан, сайлов кунини овоз бериш ва овозларни санаб чиқишда кузатувчи сифатида қатнашади, ушбу жараёни ёритиб боради.

Сайловни ошқоралик ва ҳолислик таъминлаш асосида ёритиш мақсадида айни пайтда Сурхондарё вилоятидаги 36 оммавий ахборот воситаси вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

Айни пайтда оммавий ахборот воситалари вакиллари округ сайлов комиссияси мажлис-лари ва фаолияти ҳақида, вилоятда сайлов кампаниясининг бориши тўғрисида аҳолига тезкор хабар ва ахборотлар бериб бормоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури асосида Сурхондарё вилоятида сайлов жараёнининг барча босқичларидан сайловчиларни хабардор қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, аҳоли-

нинг ижтимоий фаолигини ошириш борасида бир қатор мавзуларда тарғибот тадбирлари уюштирилмоқда, телекўрсатув, радиоэши-тириш ва мақолалар тайёрланмоқда. Уларда мамлакатимизда яратилган миллий сайлов тизими, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлов тўғрисида”ги қонун ва сўнгги йилларда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, сайловчиларнинг Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида атрофлича маълумот берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ушбу сиёсий тадбирда фуқаролик жамияти институтлари ҳам аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, миллий маданият марказлари вакиллари ва имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқини ва сайлов маданиятини юксалтириш, сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, уларни сайлов жараёнида яратилаётган шариқатлар тўғрисида хабардор этишда фаол қатнашмоқда. Бу эса аҳолининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли риоя қилиши ва сайлов кунини ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминлайди.

Фирдавс ШАРИПОВ, **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлини маси раҳбари ўринбосари**



МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ҲАР НАРСАДАН УСТУН!

САРВАР ОТАМУРАТОВ НОМЗОДИМИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Давра суҳбати

Кураш — миллий ифтихоримиз

Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон полвонлар миллий маркази ҳамкорлигида миллий спорт турлари ва ҳақ ўйинларини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, спортчилар ва журналистлар қатнашди.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Зайниддин Низомхўжаев ва бошқалар мамлакатимизда миллий спорт турлари ривожига кенг эътибор қаратилганлигини алоҳида таъкидлади.

— Халқ ўйинлари асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, онгу тафаккури, ҳис-туйғуларини тараққийлантиришга хизмат қилган, аждодларимиз маданий ҳаётининг ажралмас қисмидир, — деди Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги раиси Мурод Алиев. — Миллий ўйинларда халқимиз зукколиги, турмуш тарзи, урф-одатлари мужассам. Шу боис улар бугун ҳам ёш авлод тарбиясида ҳаёт мактаби вазифасини ўтамоқда. 2015 йил 4 сентябрда янги тахрирда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунда миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинларини ривожлантиришга алоҳида

эътибор қаратилгани бунинг яққол далидир.

Давра суҳбатида кўп асрлик тарихга эга миллий курашимиз бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатлари, турли нуфузли мусобақалар ўтказилганлиги, ўзбек кураши жаҳонни забт этганлиги алоҳида таъкидланди.

— Бугун кураш спорт тури сифатида дунё миқёсида эътибор этилмоқда. Бу халқимизнинг катта ютуғи, бахти ва ифтихори, — деди Ўзбекистон полвонлар миллий маркази раиси Норқули Юсупов. — Кураш халқаро ассоциациясининг 130 га яқин давлатда федерациялари ишлаб турибди. Миллий курашимизнинг аёллар ва ўсмирлар ўртасида ҳам оммалашаётгани уни Олимпия ўйинлари сафидан ўрин олишига имкон яратди. Бу муваффақиятлар, албатта, ҳар биримизни гурулантиради. Айниқса, гиламга чиқиб келаётган полвонларнинг бир-бирларига таъзим қилишлари, баҳс тугаганидан сўнг, қўл сиқишиб қўйишлари дунё халқларининг ўзбекона қадриятларига бўлган ҳурматидан далолат беради. Ўзбекча сўзларни бурро-бурро айтаётган хорижлик ҳакамларнинг овозлари кулгоғимизга ёқимли эшитилишининг сабаби ҳам аслида миллий аъёнларимизнинг кадр топганидан.



Шу ўринда таъкидлаш керак, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг сайловолди Дастурида ҳам миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш мақсадида Халқаро кураш федерацияси ҳамда Халқаро олимпия қўмитаси билан алоқани ҳар томонлама мустаҳкамлаш масаласи устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу боис партия миллий курашни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, курашчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мазкур спорт тури билан шуғулланувчилар сафини кенгайтириш, кураш билан шуғулланиш учун ёшларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор тадбирлар, мусобақалар ўтказиб келмоқда. Бу эса миллий спорт тури бўлган курашнинг жаҳон узра янада кенг ёйилишида муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Давра суҳбатида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини янада ривожлантириш атрафлича муҳокама этилиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг "Суд департаментининг фаолияти, тизимида замонавий ахборот технологияларининг татбиқ қилиниши ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида судлар қабул қилган ҳужжатларнинг ўз вақтида, сўзсиз ижро этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуни ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Амалиёт жараёнида суд қарорлари ижросини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилаётган. Хусусан, 2009 йил 14 январда қабул қилинган "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида ижро ҳужжатини ўз вақтида ижро этмаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ижро ҳужжатини ижро этмаслик, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлики назарда тутилганлиги билан тўлдирилди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, суд департаменти тизимида кейин-

Суд ҳужжатлари ижроси

таъминлашида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилмоқда

ги йилларда суриштирув, маъмурий амалиёт ҳамда компьютер, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида ахборот таъминоти, мол-мулкни қидирув бўлим ва секторлари ташкил этилди. Ҳужжатлар ижросини ўз вақтида таъминлашга қаратилган ўзаро электрон ахборот алмашиш ҳамда суд ижрочиларининг ишини назорат қилиш мониторингини амалга ошириш имконини берувчи "Е-іро" электрон дастури яратилди. Унда 5 миллиондан ортиқ ижро ҳужжати рўйхатдан ўтказилган. Шунингдек, Суд департаменти ва Марказий банк тадбирда ижро иши йўналишлари, уни амалга ошириш механизми, ундирув билан боғлиқ муҳим жиҳатлар, соҳадаги бошқа янгиликлар ҳақида кенг маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Суд департаментининг расмий веб-сайти — suddep.uz аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, суд қарорлари ижроси самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда. Мазкур веб-сайт орқали фуқаролар хорижа чиқиши вақтинча чекланган ёки чекланмагани, қабул қилган, ишонч телефонлари, электрон мувожаат юбориш имконияти, сотувга чиқарилган кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари ҳақида маълумот олишлари мумкин.

Тадбирда ижро иши йўналишлари, уни амалга ошириш механизми, ундирув билан боғлиқ муҳим жиҳатлар, соҳадаги бошқа янгиликлар ҳақида кенг маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Тўмарис АбЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Турфа олам

БИЛАСИЗМИ?

- Амазонка дельфини оғиз бўшлиғида 272 тиш бор. Бошқа ҳеч қандай сутэмизувчи ҳайвон бундай кўп тишга эга эмас.
- Жаҳон ёввойи табиат жамғармасининг ҳисоб-китобига кўра, дельфинлар ҳар йили икки мингга яқин чўкаётган одамнинг ҳаётини сақлаб қолади.

ИХТИРО

Робот - "полициячи"

Хитойнинг Шэньчжэн шаҳрида жойлашган Баоань халқаро аэропортида "AnBot" деб номланган робот- "полициячи" ишга тушди. У худудни қўриқлаб, йўловчиларга ҳар бир рейс ҳақида маълумот беради. Тартибни бузувчилар ёки шубҳали шахсларга нисбатан қўллаш учун электрошокер билан жиҳозланган.



"AnBot"ни Хитой миллий муҳофаа университети вакиллари ихтиро қилган ва шу йилнинг апрелида намойиш этганди. Робот тухумсимон кўринишга эга. Сабаби унинг ташқи қиёфаси атрафдагиларни ўзига жалб қилмаслиги эътиборга олинган.

Роботнинг бўйи — 1,5 метр, вазни — 78 килограмм. Унга ўрнатилган юқори имкониятли тўрт камера одамлар ва ён-атрофни кузатишга хизмат қилади. Зарурат туғилганида одамлар унинг сенсорли дисплейидаги SOS визуал тугмасини босиб ҳуқуқ-тартибот органи вакиллари чакориши мумкин. Электрошокер фақат зарур вақтда ва кўл бошқаруви билангина фаоллашади. Шубҳали йўловчилар ҳақидаги маълумотлар тезда аэропорт хавфсизлик хизматида етиб боради. Робот соатига 18 километр тезликда ҳаракат қила олиш имкониятига эга, бироқ ён-атрофни кузатишда унинг ҳаракат тезлиги соатига бир километрдан ошмайди.

Бир марта тўлиқ қувватлантирилган робот 8 соат ишлайди. Робот-қўриқчи ҳозирча фақат аэропортда ишлаш учун мўлжалланган, бироқ келажакда ундан кўплаб соҳаларда фойдаланиш режалаштирилмоқда.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши партия Жиззах туман кенгаши раиси Урол Сатторовга укаси
Зокир САТТОРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.